ЯНА 400 ТОННА

НАМАНГАН. Вилоят пиллакорлари «кумуш тола» етиштириб бериш шартномавий режасини бажардилар. 2100 тоннадан ортиқ саноат хом ашёси етказилди. Ҳар қути уруғдан 60 килограммдан пилла олинди. Маҳсулотнинг ярми, яъни 1200 тоннадан кўпроғи юқори сифатли. Пиллакорлар яна 400 тонна хом ашё тайёрлашмоқчи.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЁЗ БЎЙИ ГАВЖУМ БЎЛАДИ

ХОРАЗМ. Ўтган йили вилоят бўйича 20 мингдан ортиқ ўқувчи оромгоҳ ва соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқарган эди. Бу йил ҳам бундан кам бўлмайди. Биргина «Урганчтрансгаз» корхонасига қарашли «Планета» оромгоҳида ёз бўйи 1500 нафар бола ғужғон ўйнайди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

СЎНГГИ СОАТДА

мухбирларимиз хабар қиладилар

«АНДИЖОН — АМЕРИКА» ДЎКОНИ

АНДИЖОН. Тадбиркор Ғ. Бойбобоев хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Андижон-Америка» дўконини очди. Бу ерда АҚШ, Туркия, Миср, Бирлашган Араб амирликлари каби давлатларда ишлаб чиқарилган рангли телевизор, совутгич, электр асбоблари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

АРПА ЎРИЛЯПТИ, ЧИГИТ ЭКИЛАДИ

ҚАШҚАДАРЁ. 700 минг тонналик хирмон уйишга аҳд қилган вилоят ғаллакорлари ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. «Қарийб 500 гектар майдондаги арпа ўрнига такрорий экинлар, 300 гектарга пахта экишни мўлжаллаяпмиз, — дейди Китоб тумани ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Алимардонов».

Юнус УЗОҚОВ.

ҚИШЛОҚДА ШИФО МАРКАЗИ

САМАРҚАНД. Ургутдаги Тигинабегим қишлоғида шифо маркази иш бошлади. Бу ерда қишлоқ аҳолисини саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар муҳайё. Йил охиригача яна бешта қишлоқда ана шундай масканлар ташкил этилади.

Фармон ТОШЕВ.

ЮКСАК ХИРМОН

ФАРҒОНА. Вилоятда 4000 тоннадан ортиқ пилла етиштирилиб, режа уддаланди. Ҳар қути уруғ ҳисобига 57 килограммдан хом ашё тайёрланди. Илғорлар бу кўрсаткични 100-120 килограммга етказишди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 13 июнь, пайшанба № 72 (21.993).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида бўлди.

Қашқадарё мамлакатимизнинг ҳам ҳудудий, ҳам иқтисодий салмоқ жиҳатидан йирик вилоятлардан бири. Қадимий тарих, бетакрор урф-одат ва анъаналарга эга юрт. Тупроғи зар, халқи заргар бу ўлканинг барча бойликлари тинимсиз меҳнат, мислсиз сабот-матонат билангина вужудга келади. Қашқадарёнинг оғир иқлим шароити — чўл шамолию жазирама қуёши доимо сафарбар бир вазиятда ишлашни тақозо этади.

Маълумки, ўтган йил ноябрь ойида Қашқадарё вилоят сессияси бўлиб ўтган эди. Бу анжуманда давлатимиз раҳбари вилоятдаги ислоҳотлар жараёнини батафсил таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни холисона кўрсатган, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ йўл-йўриқ ва топшириқлар берган эди.

Орадан етти ой ўтиб, вилоятдаги бугунги аҳвол, меҳнаткашларнинг турмуши билан яқиндан танишиш мақсадида Президент бу ерга махсус ташриф буюрди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакат раҳбарининг мазкур вилоятга айрича меҳри борлиги маълум. Бу ерда биринчи раҳбар лавозимида ишлаган пайтларида Ислом Каримов Қашқадарёнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топиши учун катта хизмат қилган. Инсоннинг ўз меҳнати синган жойлар эса унга ҳамиша азиз ва қадрлидир. Шу боис ҳам вилоятдаги яхши, савобли ишлардан энг аввало Президент қувонади, рўй бераётган нуқсону хатолардан ҳам биринчи бўлиб куюнади, ранжийди. Қашқадарёни ҳамиша пешқадам, ҳамиша илғор ва ўрнак бир мавқеда кўришни истайди. Қашқадарё аҳли ҳам буни теран ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовнинг вилоятда хизмат қилган пайтида намоён этган олижаноб бунёдкорлик фаолиятини улар ҳамиша эҳтиром билан тилга оладилар, ундан кейин раҳбар бўлиб келганларнинг ишини ҳам айни шу мезон билан баҳолайдилар.

Бинобарин, Қашқадарёда биринчи раҳбар бўлиш осон эмас. Вилоят зиммасидаги юкнинг салмоғи бир тарафу, оддий халқнинг боягидек қиёсий муносабати ҳам бир тараф.

Бугун Қашқадарё катта орзу-умидлар, улкан режалар билан яшамоқда. Бу йил вилоят бўйича 740 минг тоннадан зиёд ғалла маҳсулоти, 420 минг тонна пахта етиштириш мўлжалланган.

Қамаши туманидаги «Чим» жамоа хўжалигига қарашли Қўчқор Раҳмонов бошлиқ бригада пахтакорлари билан суҳбатда Президент пахтачилик муаммолари, ғўза навларини районлаштириш, деҳқон меҳнатини муносиб баҳолаш, контрактация масалалари ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш бугуннинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Бу борада, айниқса, Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятнинг белоён ғалазорларида авжи саратон кунларида арпа, буғдой ғарқ пишиб етилди. Баъзи жойларда эса ғалла ўрими жадал бошлаб юборилди.

Шаҳрисабз туманида жойлашган Жўра Элбоев номидаги жамоа хўжалигининг Тиловқобил Туробов бошчилик қилаётган бригада далаларида етиштирилган мўл ҳосил кишининг кўзини қувонтиради, эртанги кундан кўнгилни тўқ қилади. Зеро, янги ҳосил — янги орзу-ниятлар дебочасидир.

Ана шу бригада даласида батафсил суҳбат бўлди. Гап асосан ризқ-рўзимиз — дон маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш хусусида бўлди. Ҳосилдорликни қандай қилиб ошириш мумкин, алмашлаб экишни қай йўсин ташкил этмоқ керак, бунда пахта ва ғалла экинларининг нисбатини қандай меъёрда сақлаб қолиш зарур, деҳқон рўзғорининг муаммолари, унинг даромадини ошириш, қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилиш каби жуда кўп масалалар юзасидан Президент хўжалик меҳнатчилари, мутахассислар, раҳбар ходимлар билан қизғин фикрлашди, баҳсу мунозаралар қилди.

Сир эмаски, ҳозир иқтисодиётимизнинг кўпгина соҳалари, жумладан, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик тармоқларида ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Вилоятнинг бир қанча туманлари ҳокимлари иштирокида ўтказилган учрашувларда мазкур масалалар атроф-лича муҳокама этилди.

Яккабоғ туманида Жума Михлиев номидаги ширкат хўжалиги бор. Ана шу хўжаликнинг буғдойзорларида гуриллаб ишлаб турган яп-янги комбайнлар Президент эътиборини ўзига тортди. Американинг машҳур «Кэйс» фирмаси ишлаб чиқарган буғдой ўриш комбайнларининг дастлабки туркуми Қашқадарё далаларида ишлатилмоқда. Бу машинанинг бошқа комбайнлардан афзалликлари хусусида бевосита механизаторлар фикрини эшитгач, Ислом Каримов бу ажойиб машинага беҳад қизиқиб қолди, ҳатто кабинага ўтириб, унинг ишлашини ўз кўзи билан кузатди. Ҳар жиҳатдан қулай, иш унуми бир неча бор юқори бўлган бу комбайнларнинг кабинаси чанг-тўзондан, иссиқ-совуқдан пухта муҳофаза қилинган, ҳатто кондиционери ҳам бор.

Биз мамлакатимизда тинчлик-барқарорлик ҳукмрон, деган сўзларни кўп такрорлашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ бу сўзларнинг асл мазмуни, чуқур маъносини меҳнаткаш одамлар, оддий фуқаролар билан юзма-юз учрашганда, уларнинг дилидаги фикрлар билан ошно бўлгандагина англаб етиш мумкин экан. Президент билан бўлган учрашувлар чоғида кўча-кўйларда, бозору майдонларда, далаларда одамлар бир фикрни қайта-қайта таъкидлаб айтишди: бугун юртимизда қийинчиликлар, ўзига яраша машаққатлар йўқ эмас. Аммо уларнинг барчасига бардош бериш мумкин. Фақат нотинчлик, низо-адоват, адолатсизлик бўлмасин. Ҳеч кимсанинг бегуноҳ бурни қонамасин.

Шунинг учун ҳам халқ бугунги тинчлик сиёсатининг моҳиятини теран тушунади ва муносиб қадрлайди.

«Бугун янги кўйлак киймасак эртага киярмиз, лекин бугун мустақилликни бой бериб қўйсак, қайтиб қўлга киритолмаймиз», дейди шаҳрисабзлик деҳқон.

«Худо сизнинг куч-қувватингизни асло кам қилмасин, доим зиёда қилсин, болаларимиз бахтига тинчликни сақлаб турибсиз», дейди қамашилик момо.

«Ҳали мустақилликдан умидимиз катта, ортга қайтиш йўқ», дейди чироқчилик ғаллакор.

«Сиз йигирма икки миллион жоннинг ташвишини қилиб кечаю кундуз тинмай ҳаракат қилиб ётибсиз. Мана, мен ҳам мисоли бир хонадон бошлиги. Оила катта — невара-чевара билан йигирма беш жонмиз. Баъзан шу рўзғорни эплаш қийин бўлиб қолади. Шундай пайтда Сизнинг ишларингизни, бу халқим деб куйинишингизни эслаб, э, отасига раҳмат шу одамнинг, деб юбораман», дейди яккабоғлик нуроний оқсоқол Алимардон ота Холиқов.

Шу билан бирга мулоқотлар чоғида одамлар дилидаги дардларини Президентга ошкора айтишди: тезроқ арзончилик бўлса, ҳар бир рўзғорда фаровонлик бўлса...

Албатта, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади — халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, унга муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деди Президент бундай фикрларга жавобан. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навони оддий истак ёки буйруқ билан белгилаб бўлмайди. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, бозорларни мўл-кўл моллар билан тўлдириш, ўз корхоналаримиз, ўз далаларимизда кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш билангина тўкис турмушга эришиш мумкин. Ўзбекистон раҳбариятининг ўтиш даврига мўлжаллаб тузилган иқтисодий дастурида аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли муҳофаза қилишга биринчи даражали аҳамият берилган. Бинобарин, биз нархнавони назорат қилиш эмас, балки аҳолининг реал даромадларини, иш ҳақи ва пенсияларни ошириб бориш йўли билан мазкур муаммоларни ҳал қила борамиз. Бу масалани одамлар онгига етказиш, муаммо моҳиятини тўғри тушунтириш зарур, деб таъкидлади Президент.

Ислом Каримов қаердаки ёшлар билан учрашар экан, доимо уларнинг ҳаёти, орзу-истаклари, маиший-маданий шароитлари ва албатта, спортга муносабатлари билан қизиқади. Шаҳрисабзлик бир гуруҳ ёшлар билан мулоқот чоғида ҳам шундай бўлди. Бошда қишлоқ ёшларига хос жиндай тортинчоқлик қилиб турган йигит-яланг бир оздан сўнг Президентнинг самимий сўзлари, беғараз ҳазил-мутойибаларидан тетикланиб, саволларга дадил-дадил жавоб қайтара бошлади. Табиийки, уларнинг барчасини эртанги кун — истиқбол қизиқтиради. Шу боис ҳам ёшлар давлатимиз бошлиғининг сиёсий фаолиятини, хусусан, унинг дунёнинг турли томонларига янги-янги йўллар очиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. Чунки бу ёшлар ва уларнинг юзлаб-минглаб тенгдошлари эртага Президент Ислом Каримов очган йўллардан жаҳон майдонига чиқадилар, Ўзбекистон довруғини олам узра таратадилар.

Қашқадарё — Амир Темур дунёга келган табаррук тупроқ. Бинобарин, бу ерда юбилейга тайёргарлик ишлари катта миқёс ва катта масъулият билан олиб борилмоқда. Ҳадемай, ер юзининг тўрт томонидан соҳибқирон таваллуд топган юртни зиёрат қилишга беҳисоб меҳмонлар келишади. Юбилей тантаналарининг асосий қисми ҳам шу жойда ўтказилиши кўзда тутилган.

Шу муносабат билан Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой тарихий ёдгорлиги қад кўтарган майдонда Амир Темурнинг муҳташам ҳайкалини ўрнатиш, соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбон барпо этиш мўлжалланган. Ҳайкал лойиҳаси ва бўлғуси иншоотларнинг тарҳ-режаси билан танишиш жараёнида Президент бир қанча муҳим фикр-мулоҳазалар билдирди.

Амир Темур — нафақат Турон, Туркистон, Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир, деди Президент. Демак, унинг тарихий образи, тарихий сиймосини яратиш ишига жуда катта меҳр ва масъулият билан ёндашмоқ шарт. Менинг назаримда, юртимизда бу улуғ аждодимиз шарафига бунёд этилаётган ва этиладиган ёдгорликларда у зотнинг қиёфаси шундай акс эттирилиши керакки, уни кўрган одам, ҳайкал қаерда ўрнатилганидан қатъи назар, соҳибқирон бобомизни беҳато таниб олсин. Шунинг учун шахсан мен Амир Темур ҳайкалларини, унинг ҳаётий даврлари, яъни болалик, ёшлик, кексалик палласи тарзида тасвирлаш таклифига тарафдор эмасман. Амир Темур деганда киши кўз ўнгида яхлит, улуғвор, тенгсиз азму шижоат соҳиби бўлган буюк инсон сиймоси гавдаланмоғи лозим.

Маълумки, Амир Темур умр бўйи янги-янги ғоялар ва уларни рўёбга чиқариш билан машғул бўлган беназир шахсдир, деб фикрини давом эттирди Ислом Каримов. Унинг нигоҳи ҳамиша олис уфқларни қамраб олган, хаёли жаҳоний миқёсларни забт эта билган. Демак, соҳибқирон бобокалонимизга ҳайкал қўяётганимизда мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳайкал олдидаги майдонда Амир Темурга хос ғаврикенглик ва улуғсифатлик фазилатларини бўрттириб кўрсатиш учун кенглик, очиқлик бўлиши даркор. Ҳайкал атрофида барпо қилинадиган боғ ҳам Амир Темур замонидаги боғларга ўхшаши керак. Бу боғларда асрлар давомида мағрур қад ростлаб турадиган чинорлар экиш керакки, улар соҳибқирон шахсининг нақадар муаззам ва буюклигига ёрқин тимсол бўлиб хизмат қилсин, деб таъкидлади Президент.

Сўнгра Ислом Каримов Қарши шаҳридаги марказий футбол стадиони, янгитдан қурилаётган катталар ва болалар учун мўлжалланган сузиш бассейнларини бориб кўрди, бозор қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва мақолаларида, юртдошларимизни доимо жаҳон ҳамжамиятидан андоза олишга даъват қилади. Ҳар бир соҳада дунёдаги энг гўзал, энг қудратли, энг мустаҳкам андозалардан ўрнак олишга чорлашдан асло чарчамайди. Қарши шаҳридаги зикр этилган иншоотлар билан синчиклаб танишар экан, Президент майдонга ётқизилган чим майсанинг сифатидан тортиб бассейннинг тубидаги бетон қопламага қадар диққат қилиб, ўз фикрини билдирди.

Нима учун биз бу ишларни худди Англиядагидек, Германиядагидек, Японияда-гидек қила олмаймиз? Бизнинг улардан нима камчилигимиз бор? Наҳотки, уларнинг қўлидан келган ишлар бизнинг қўлимиздан келмаса? Албатта қўлимиздан келади. Фақат кўпроқ қунт ва ҳафсала керак, ўзимизни жаҳоний андозаларга чоғлаб, ижодий фикр қилиш керак, деди Президент.

Чиндан ҳам, авваллари қилган қурилишларимиз, бино этган иншоотларимизда ҳеч қачон бундай талаб қўйилмас эди. Биздан талаб қилинадигани «объектни» амал-тақал қилиб навбатдаги октябрь байрамими, КПСС съездими, шунга тўғрилаб топшириш эди, холос. «Жаҳон андозалари» деган гапнинг ўзи бизга бегона эди, ғайритабиий туюлар эди. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» деган тушунча, ғайратимиз, ўқув ва малакаларимизни бўткул бўғиб ташлаган эди.

Бугун энди ҳаётнинг ўзи бизнинг барча соҳаларда дунёвий тафаккур, замонавий жаҳон мезонлари билан фаолият юритишимизни тақозо қилмоқда. Юртимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида, жумладан, Қашқадарёда ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат кун сайин чуқурроқ англаб борилмоқда. Бу эса жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида эришилган энг муҳим натижалардан биридир.

(ЎзА).

Янги нашрлар

«ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ»



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Австриянинг Вена шаҳридаги чоп этилган Леонид Левитиннинг Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда ёзган «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг ўзбекча нашрини босмадан чиқарди.

Бу китоб ўзига хос йўлни танлаган мустақил Ўзбекистонимиз Президентидай йирик сиёсий арбоб шахсига, республикамизда кечаётган ўзгаришлар жараёнига холисона, янгича қарашлар асосида ёндашилган муҳим тадқиқотдир. Китобда Ислом Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатдаги изчил фаолияти, дунёқарашидаги ўсиш ва юксалиш жараёнлари бир уйғунликда таҳлил этилади.

Ҳақиқатдан ҳам, жамиятдаги соғлом кучларни жипслаштира олган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлай билган ёш мамлакатнинг тажрибаси кўпчилик учун ибратлидир...

Китобни Тошкентдаги матбаа комбинати чоп этди.

Муштарийларнинг илтимосига биноан ана шу китобдан айрим бобларни газетамизнинг 2-бетида эълон қилаётирмиз.

ОЛМОНИЯДАГИ ТУРКИЯЛИКЛАР

Олмонияда ўтказилган сўровлар кўрсатадики, ушбу мамлакатда яшаётган умумий аҳолининг 8,5 фоизи немис бўлмаган миллатларга мансуб экан. Уларнинг умумий сони 7 миллиондан ошади. Шундан 2 миллиони туркияликлардир. Ундан сўнг Югославия, Италия, Грециядан келганлар сони кўп миқдорни ташкил этади.

ДЎКОН ПОРТЛАДИ

Бразилиянинг Као Паул туманида харидорлар савдо-сотиқ қилаётган пайтда замонавий дўконлардан бири портлаб кетди. Натижада 44 одам ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ киши яраланди.

ХУЛОСА

"Ироқ ҳанузгача катта миқдордаги қуролярағ ва бошқа ҳарбий аслаҳаларни махфий сақламоқда. Бу ҳақдаги ҳужжатлар назорат доираларидан яширилгандир". БМТнинг Ироқда бўлган дипломатлари шундай хулосага келдилар.

МОСКВА МЕТРОСИДА ПОРТЛАШ

Москва мэри Юрий Лужков шаҳар метроси ертўлаларидан бирида содир бўлган ва тўрт кишини қурбон қилган портлаш сабабини террористларнинг бўлажак президент сайловлари олдидан барқарорликни издан чиқариш учун амалга оширган урниниши, деб изоҳлади.

ҲАРБИЙ САФЛАРНИ ТАШЛАБ

Либерия армиясидаги Краҳн қабиласига мансуб хизматчилар ҳарбий сафларни ташлаб кета бошладилар. Улар бунга мамлакатда фуқаролар уруши 6 йилдан буён тўхтамаётганини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

КИТОБХОНЛАРГА

Китобимни ўрта асрларда яшаган англиялик шоир Жон Доннинг қуйидаги сўзлари билан бошламоқчиман: «Ўз ҳолича Орол каби яшайдиган одамнинг ўзи йўқ, ҳар бир киши материкнинг, қуруқликнинг бир бўлаги, агар тўлқин соҳилдаги чўққини денгизга қулатиб қуруқлик чеккасини ювиб кетса, сенинг ёки дўстингнинг қўрғонини кунпаякун этса, Европа кичраяди, шунда ҳар бир кишининг ўлими менинг ҳам бағримдан ниманидир юлиб кетади. Чунки мен одамзод билан бирғаман, шул боис жом кимга бонг уряпти, деб мендан сўрама, у сенга бонг уряпти».

Бугун дунёда рўй бераётган жараёнлар бир-бирига мутлақо зид, шу билан бирга, ўзаро боғлиқ қонуниятлар — табақаланиш ва бирлашишга бўйсунади. Давлатлар парчаланади, ҳатто бир мамлакатдаги турли маданиятлар ва миллатлараро зиддиятлар кескинлашиб кетади, ўз навбатида кўз илғар-илғамас ришталар катта куч билан узоқ-яқин мамлакатларни бир-бирига боғлайди, қитъаларни ўзаро яқинлаштиради.

Сиёсий онгимизда ҳам худди шу жараён: бир-биримизни тушунишни истамаслик, шунинг баробарида бир-биримизга бўлган қизиқишнинг кескин ортиши рўй беради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, одамлар XXI аср бўсағасида илгари биз ўйлаганчалик бепоён бўлмаган Заминимизда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ эканини тобора чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Бутун сайёрамиз экстремизм портлашларига тўлиб-тошган, дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатига қарамай, одамлар бир-бирини қони ва эътиқоди бошқа экани учун ўлдираётган бугунги кунда собиқ коммунистик мамлакат — Ўзбекистон тажрибаси, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг сиёсий портрети Ғарб мамлакатларида қизиқиш уйғотиши бежиз эмас. Бинобарин, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида миллатлараро ва динлараро қонли тўқнашувлар оловини ўчиришга эришган, бузғунчилик мантиқи ўрнини яратувчиликка интилиш эгаллаган жуда камёб юртлардан биридир.

Ҳокимият мамлакатни вайрон қиладими ёки аксинча, кўкларга кўтарадими? Бу савол собиқ СССР ўрнида пайдо бўлган ҳар бир давлатнинг миллионлаб фуқаролари олдида кўндаланг турибди. Унга жавоб топиш осон иш эмас. Келгуси иқтисодий ва, умуман олганда, ижтимоий тараққиёт учун одамлар зиммасига тушадиган юк жуда оғирдир.

Ўзбекистон собиқ коммунистик давлатлар орасида иқтисодиётни сиёсатдан устун қўяётган, оддий инсон сари юз бурган жуда кам сонли мамлакатлар қаторига киради.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда қизиқарли ва ноёбдир. Турли маданий ва сиёсий оқимлар чорраҳасида жойлашган ва қад ростлаган бу мамлакат гоҳо бир-бирига мутлақо зид таъсирларни бошидан кечирди. Ўзбек халқи ўзининг ҳам кўҳна, ҳам янги сиёсий қиёфасини дунёга кўрсатиши керак.

Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари, Президенти Ислом

1

Каримов ниҳоятда ўзига хос хислатларга эга шахсдир. Унинг табиатида бир кишида учраши қийин хислатлар: миллий уйғониш ғоясига мутаассибларча ишонч ва ҳомҳаёлга мутлақо берилмаслик, романтизм ва соғлом сиёсий мўлжал омухта бўлиб кетгандир.

Маълумки, ҳақиқат таққосларда юзага чиқади. Муҳими, координатларнинг тўғри тизимини топа билишда. Мен уни шундай тасаввур қиламан: Ўзбекистоннинг бугунги ва кечаги куни, Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари. Ва яна бир муҳим жиҳати шуки, биз Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидагина эмас, имкон қадар муаллифнинг ўз қарашлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бундай ёндашувдан ўқувчи Ўзбекистонда ҳокимият демократик ва бозор иқтисодиёти ғоясини обрўсизлантирмасликка интиляпти, деган бир қарашда ғайритабиий бўлиб туюладиган хулоса чиқариши мумкин.

Нега мендай умр бўйи Қирғизистонда яшаган киши Ўзбекистон мавзусига қўл урди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон кўнглимга жуда яқин. Мен бу ерда яшаганман ва ўқиганман. Мен бу халқ олдида қарздорман. Хизмат тақозосига кўра, мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан кўп марта учрашганман ва у давлат раҳбари сифатида амалга ошираётган ишларни ўрганишимга тўғри келган. Мен уни XX аср охирида рўй берган демократик инқилобларнинг энг ёрқин намояндаларидан бири деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен сизлар билан Президент ва унинг мамлакати ҳақидаги мулоҳазаларимни баҳам кўрмоқчиман.

Китобни ёзаётган пайтимда, бахтли тасодифни қарангки, Гарвард университетининг профессори Дональд С. Карлайл билан учрашиб қолдим. У ҳам ўша пайтлар ўзининг «Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун» китоби устида ишлаётган экан. Америкалик профессор қўлёзмаси қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Ғарб тадқиқотчилари Ўрта Осиё минтақаси давлатлари орасида, аввало, Ўзбекистонга ва унинг Президенти Ислом Каримовга эътибор қилишлари керак. Чунки Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир». Бир сўз билан айтганда, принципиал қарашларимиз ва мулоҳазаларимиз бир-бирига мос тушган эди. Биз ишни тугаллагач, кораламаларни бир-биримизга юборишни ва ҳар биримиз ундан хоҳлаган нарсасини олиб, истифода этишимизни келишиб олдик.

Китобнинг дунёга келишига жуда катта ҳисса қўшган, ҳатто, унинг яратувчиларидан бири дейиш мумкин бўл-

2

ган ажойиб инсон Борис Қандов тўғрисида ҳам бир-икки оғиз гапирмоқчиман. У Венадаги «Агротек» фирмасининг бошлиғидир. Асли Самарқандда туғилиб ўсган Б. Қандов чорак асрдан буён Австрияда яшайди. У ўтган давр мобайнида ишбилармонлар оламида ва сиёсий доиралардаги таниқли шахслардан бирига айланди. У ўзини қалбан самарқандлик деб билади. Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари.

Китоб шу тариқа дунёга келди.

ИЛДАМ ҚАДАМ

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу даврга келиб Каримов мамлакатда унинг обрўсини беқиёс даражада ошириб юборадиган бир қатор катта сиёсий муваффақиятларга эришган эди. У тўс-тўполон жараёнларининг асири бўлиб қолмай, вазиятни қўлга ола билишга бемалол тайёр раҳбар бўлиб чиқди ва уни бошқара бошлади. У томонидан ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари — милиция, давлат хавфсизлиги хизмати тизимини кучайтириш бўйича қатор қатъий қадамлар ташланди. Унинг шахсан иштироки билан республиканинг турли жойларида олов олаётган можаро ва тўқнашувларга барҳам берилди. У тўқнашувга олиб келадиган ҳолатларда халққа шундай дерди: «Ўзбекистон иккинчи бор Фарғона фожиасини кўтаролмайди» ва бундай ҳолларда беҳад қатъият ва жасорат билан иш кўрарди. Каримов жамият осойишталигини бузишга олиб келадиган билибми-билмайми қилинган ҳар қандай ҳаракатни, ижтимоий омилларни, кучларни пайини қирқиш бўйича жуда ҳам пишиқ-пухта, бир текис иш кўрди. Айнан шу муносабат билан юқоридаги фикрлар асосида мен матбуот учун, ошкоралик учун қўйилган айрим чеклашлар тўғрисида гапирмоқчи эдим. Бу шунинг учун ҳам юзага чиққан эдики, матбуот ўз эркинлигида чекланмаган имкониятларга эга бўлса, бузғунчилик кайфиятидаги оппозиция қўлида қулай дастур — жамоат тартибини бузишга, тўқнашув ва қон тўкилишларга олиб келар эди.

Коммунизмдан кейинги мамлакатларда эркин матбуот, сўнгги воқеалар шуни кўрсатиб турибдики, сиёсий турғунликни бузиш мурвати сифатида ижтимоий тўқнашувлар, оммавий тартибсизликлар, охир-оқибатда эса фуқаролар уруши бошланишига хизмат қиларди. Лекин кимлар ва нима учун сўз эркинлигини суиистеъмол қилишгани, унинг моҳиятини бузиб кўрсатганлари — бу, бошқа масала. Бу ўринда мен шуни айтмоқчиманки, Каримовнинг ўша кезлардаги хатти-ҳаракатлари мутла-

3

қо ўринли бўлган эди.

У бир неча аниқ зарбалар билан республикадаги ижтимоий тузумга хавф солаётган, Ўзбекистонда жамоатчиликни яна бўлиб юборишга қодир мафия гуруҳлари билан яқин алоқада бўлган юқори лавозимлардаги хавфли шахсларни йўқотди.

Каримов тезлик билан ҳийла-найранг орқали оломонни ўзига эргаштирган ўтакетган миллатчи экстремистлар ҳушини ўзига келтириб қўйди. У «йўқ» дейишдан қўрқмайдиган давлат раҳбари сифатида ўзини кўрсата олди. У ўзбек «Шаҳидони»га (Тожикистоннинг Ислом миллатчилари қонли тўқнашуви бошлаган Душанбедаги майдон) йўл қўймади.

Ва у бир неча республикаларнинг раҳбарлари миллатчи мухолифларга хушомад қилган ва ҳатто уларнинг олдида тилёғламалик қилган пайтда шундай қила олди.

Ислом Каримов емирилаётган шўролар империяси республикалари раҳбарлари орасида ғоятда тез томир ота бошлаган миллий-патриотизм йўлига ғов бўлди, қўшқутбли (ўзимизники ва бегона) деган фикрлар ва қарашларга қарши чиқди. Унинг фактлари ҳам сўзни ҳам тан олмайдиган фанатикларга қарши қандай факт ва сўзлар топгани — бу номаълум. Бу Худонинг қудратидан бўлса керак.

Мен жуда кўп марта «Каримовнинг феномени» ҳақида, ўша кунлардаги Каримов ҳақида ўйладим. Шу мавзуда Карлайл билан суҳбатлашдим. Биз иккимиз ҳам шундай хулосага келдикки, бу бўҳрон ўша пайтдаги жуда кўп йўлбошчиларнинг нуқтаи-назари кўпларида зоҳир эди ва улар фақат кўзлари олдидагини кўрдилар, Каримов эса Ўзбекистонга раҳбар бўлган биринчи кунданоқ инқирознинг чуқурлиги ва кучини ҳамда ундан қутулишнинг ягона йўлини кўрди ва ҳис қилди.

1990 йилнинг март ойида у ўша пайтдаги иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президентликка сайланди. Москва буни жуда салбий қабул қилди. Горбачев очиқдан-очиқ ғазабланди. Бошқа республикалар раҳбарлари эса Каримовнинг Президентликка сайланганини қалбан қўллаб-қувватласа-да, унга ҳавас қилса-да, телевидение ва минбарларда Горбачевнинг «16 президенти бор давлат қандай давлат бўлади» деган сўзларини қайтариш билан банд бўлдилар. (Бу Горбачевнинг навбатдаги мантиқий фикри эди — янгидан пайдо бўлаётган давлатлар иттифоқида 16 та парламент раислари бўлиши мумкин эмишу, 16 та Президент бўлиши мумкин эмас эмиш).

Каримовдан қутулиш учун, унинг ўзининг гапига қараганда, тазйиқнинг барча йўлларидан фойдаланиб кўришди. Горбачев уни ўтакетган амалпараст деб айблади. Бу вақтда, мен ишонаманки, Каримов ҳақоратланган ва хўрланган Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш ҳақида ўйларди. «1990 йилнинг 26 мартида Ўзбекистон Олий Совети Президентликни жорий этди ва мени шу лавозимга сайлади. Шундан сўнг мен Москвага СССР Давлат Кенгаши йиғилишига келдим. Горбачев мени Ўзбекистон Президенти дея пичинг, ҳақора-

4

томуз сўзлар билан Кенгаш аъзоларига таништирди ва тартибга солиб қўйишга ваъда берди. Бу ерда у президентликни бекор қилишни назарда тутди. Мен унга шундай жавоб бердим: «Агар суҳбат шундай давом этадиган бўлса, мен Кенгашни ташлаб кетаман». Сўнг Москва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мени олиб ташлашга уринди, аммо ҳеч нарсага эриша олмади. Кучлар энди бошқача эди. Мени қўллаб-қувватлаган халқ ҳам бошқача фикрлай бошлаганди».

Ва бу курашда Каримов ўзи ва халқи учун ҳамма нарсага тайёр йўлбошчи сифатида ғолиб чиқди.

Ниҳоят, Каримовнинг сиёсий биографиясида Ўш — ташқаридан туриб уюштирилган қўрқинчли, қонли ва бемаъни миллий низо пайдо бўлди.

Каримовнинг бу низони олдини олишдаги хизматлари энг юксак баҳога лойиқ. Аммо мен ҳозир бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Каримов бу ерда «ўз қўшнисини ҳам тузатадиган» йўлбошчи сифатида кашф этилди. У ўзини буюк келишув устаси сифатида намоён этди. Бундай хусусиятга эга йўлбошчилар дунёда унча кўп эмаслигини Қорабоғ ва Босния, Чечнистон ва Курдистон воқеаларидан билса бўлади. Афсуски, бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЪМОЛИ: АҚЛ-ИДРОК, ЭЗГУЛИК, КУЧГА ТАЯНУВЧИ ҲОКИМИЯТ

Ислом Каримов Президент сифатида ўз аъмолини ўз мамлакати — Ўзбекистонга ҳам, дунёга ҳам такрор-такрор баён қилди. Булар инсонни ижтимоий танатўшда шунчаки бир заррача деб билувчи инқилоб эмас, балки ислоҳотларнинг шахсни бало-офатлар ва беқарорликлардан муҳофаза эта оладиган тадрижоти, мунтазамлиги, босқичма-босқичлиги; иқтисодиётнинг сиёсатдан, ижтимоий дастурларнинг иқтисодиётга оидларидан устуворлиги; жамият тартиби ва жамоат интизомини, ҳар бир хонадонда нон-насиба, илиқлик ва осойишталикни, Ислом ёхуд бошқа динда бўла олиш, кундалик турмушда юксак ахлоқий-маънавий идеалларни асослаш имкониятини таъминловчи кучли давлат.

Ўз стратегиясининг моҳиятини таърифлар экан, И. Каримов Олий Мажлисга қарата тамомила аниқлик билан шундай деди: «Ижтимоий ривожланишнинг ибтидоий-ёввойи кўриниши сифатида инқилоб Ўзбекистонга тўғри келмайди».

Тахминимча, Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакати истиқболлари ҳақидаги, мулк тўғрисидаги, ҳокимият борасидаги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари хусусидаги мулоҳазалари билан танишиб чиқиш қизи-

5

қиш уйғотмасдан қолмайди.

У Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тузилмасида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун ишончли заминга эга эканлиги тўғрисида кўп марта сўз юритган. Минтақа транспорт, энергетика ва суғориш тизимларининг марказида бўлган мамлакат фавқулодда қулай жуғрофий жойлашишга моликдир. Ўзбекистон минтақадаги ўз қўшниларидан нуфуз ва илмий-техникавий имконияти бўйича устун бетакрор табиий-иқлимий шароитга, қадимий деҳқончилик маданияти ва катта минерал-хом ашё ресурсларга эгадир. Бу нарса ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга, техникавий қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва экспортни ривожлантиришга эришишга имконият беради. Мамлакатда экологик жиҳатдан тоза ва жаҳон бозорида рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Президент Ўзбекистон инсоният цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаб келгани ва келажакда ҳам шундай бўлажаги, нафақат минтақадаги, қолаверса бутун дунёда ҳам турли-туман маънавий ва сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатажаги ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлайди.

Каримов мулкий муносабатларнинг тубдан янгиланишини ислоҳотнинг ҳозирги босқичидаги энг долзарб вазифа деб ҳисоблайди. Бундай янгиланишнинг туб моҳияти, унинг фикрига кўра, мулкни асл эгалари қўлига топширишни жадаллаштириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш саналади. «Ўзбекистон, — деган эди Президент 1995 йил 26 августда мамлакат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган брифингда, — мулкдорлар мамлакатига айланиши лозим».

«Мен бир нарсага қатъий ишонаман: бизнинг мамлакатимизда мулкдорлар синфи, кичик ва ўрта муклдорлар синфи вужудга келганидагина жамиятимизнинг равнақ топиш ва демократия (барчанинг қашшоқликдаги тенглигига эмас) йўлидаги барқарор ва дадил ҳаракатини таъминлаш мумкин бўлади». Каримовнинг бу қатъиятли ва ишончли сўзлари 1995 йил 16 ноябрда Боннда, ГФР Федерал Президенти Роман Херцог томонидан унинг шарафига уюштирилган қабул чоғида янграган эди.

Мамлакатда давлат ҳокимиятини такомиллаштириш, Президентнинг комил ишончига кўра, марказий, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимият органлари ва давлат маъмуриятларининг функциялари ва ваколатларини аниқ тартибга солиб турилишини таъминлайдиган тегишли

6

қонунлар тизимининг қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқдир. Профессионал парламент, кучли ижроия ҳокимияти, мустақил судлов тизими,ривожланган маҳаллий ўзини-ўзи бошарув — Ўзбекистонда давлатчиликни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.

Сўнгги вақтларда Президент «инсон — давлат» муносабатларида устуворлик инсонга берилиши лозимлиги тўғрисида анча кўп сўз юритаётир. «Давлат, ҳокимиятнинг барча тармоқлари, — дейди у, — фақат уларнинг фаолияти инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бўйсундирилгандагина ўзларини оқлаган бўлади».

Ўзбекистон Президентининг бир неча йил олдин: «Бизнинг кўчаларимизда жиноятчилар эмас, ҳалол одамлар хўжайин бўладилар. Бунга эришиш — менинг халқ олдидаги бурчим» деган сўзларини ҳам яхши эслайдилар.

И. Каримов «бозорга юз» ёхуд «беш юз» кун нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин эмаслиги тўғрисида кўп маротаба гапирган. У фикрини қуйидагича асослайди: «Бу — мавжуд турмуш тарзини, халқнинг бутун психологиясини ўзгартириш демакдир. Бизнинг бош вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий талафотларсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги поғонасига яқинлашишда мужассамлашгандир».

Ғарблик тадқиқотчилар И. Каримовнинг Исломга нисбатан юксак эҳтиромини, жумладан, Президент лавозимини эгаллаётган пайтда Қуръонга қўлини қўйиб қасамёд қилиш воқеасини алоҳида қайд этадилар. Бироқ, улар айни чоғда Президентнинг либерал диний сиёсати диндор экстремистлар диний эркинликдан мамлакатнинг у ёки бу туманида вазиятни издан чиқариш, давлат аппаратига тазйиқ ўтказиш мақсадларида фойдаланиш бошланган жойда тугаши тўғрисида ҳам ёзадилар.

Баён этилган сиёсат ҳаёт билан чиқишмаслиги ёхуд унга бутунлайича тўғри келмаслиги мумкин. Аксарий ҳолларда шундай ҳам бўлади. Буни И. Каримовга нисбатан қўллаш мумкин эмас. У сўзининг устидан чиқади. Айтганларига содиқ. У қадам-бақадам, ўзида қанча кучи бўлса, ижтимоий онгнинг айнишига, меҳнатга, қарияларга ва аёлларга ҳурматнинг орадан кўтарилишига, халқ ахлоқи ва, умуман, маънавиятнинг қадрсизланишига йўл қўймасликка интилади. Бу ҳақда нафақат унинг дўстлари, қолаверса душманлари ҳам билади.

Ҳозирги дунёнинг ишлаб турган ва ҳаётдан кўз юмган давлат арбоблари орасида, бизнинг ҳар биримизда ўз қаҳрамонларимиз ва аксил қаҳрамонларимиз, ҳурмат ва

7

ҳатто мафтунлик, ёхуд, аксинча, нафрат ва номеҳрлик уйғотадиган одамларимиз бор. Шахсан мен учун биринчилар орасида Жон Кеннеди туради.

Бу зотнинг аъло жиҳатлари орасида унинг нафақат Американинг ҳақиқий ватанпарвари эканлиги, қолаверса дунё фуқароси бўлганлигини кўраман. Уни, одамлар қандай заминда ва қанақа осмон остида яшаётганларидан қатъи назар, барчасининг ташвишлари ва кўргуликлари ҳаяжонга солар эди.

МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган 1992 йил 6 июнь Кенгашида (мен унда Қирғизистон делегацияси аъзоси сифатида иштирок этган эдим) Президент Каримов Тожикистонда етилиб келаётган фуқаролар уруши тўғрисида катта ташвиш ва дард билан гапирганини эслайман. Тожикистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Раҳмон Набиев бу сўзларни ўшанда қандай қабул қилганини ҳам хотирлайман. У Каримовнинг бегона давлатда нималар бўлаётгани билан иши бўлмаслиги керакки, бу нарса тожикларнинг иши ва ташвиши, деган маънода писанда қилган эди.

Каримов бу нарса барчага ва унга ҳам дахлдорлигини айтганча унга эътироз билдирган эди. «Биз, барчамиз одамларимиз, — деганди у, — бу, умуман, жаҳон ҳамжамиятига ҳам дахлдордир. Устига-устак, Ўзбекистонда кўплаб тожиклар, Тожикистонда эса кўплаб ўзбеклар яшайди, ўзбекларнинг томирида тожикларнинг қони ҳам оқар экан, ўзбеклар четдан шунчалик томошабин бўлиб тура олмайдилар». Сўнгра орага жимлик чўкди. Умум тилини тишлаган сукунатда Каримов сокин, аммо аниқ ва тушунарли қилиб деди: «Бало-қазода сеники, меники бўлмайди. Йўқса, барчамиз бу ерда нега йиғилиб ўтирибмиз?» Менга бошида бу баҳслашувга унчалик ҳам қулоқ тутмагандек туюлган Б. Ельцин бошини тиклади ва Каримовга диққат билан тикилди.

Бало-қазода сеники, меники бўлмайди — бу нарса Ўзбекистон Президентининг қон-қонига сингган, бу унинг ҳаёт тамойили, у бу принципга ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Кейинчалик, 1992 йилнинг сентябрида ва 1993 йилнинг мартида Каримов БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийга мактублар ёзди. Энди у жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборини Тожикистонда ўзаро бир-бирига қарши турган сиёсий кучлар ўртасида кескинликнинг ортаётганига, қочоқлар сони кўпайиб бораётганига қаратишга уринди, бу муаммони халқаро ташкилотларнинг иштирокисиз ҳал этиш мумкин эмаслиги тўғрисида сўзлади. У Амударёнинг нариги қирғоғи бўйлаб ёпирилиб келаётган фуқаролар уруши сабабли қочоқларга айланган минглар ва ўн минглаларнинг лагерларда чидаб бўлмас маиший шароитларда яшаётгани ҳақида сўз юритди.

(Давоми келгуси сонда).

8

Иқтисодиёт олами

ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК ЧИННИ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Қадимий шаҳардаги йирик корхоналардан бири — чинни заводи иш бошлаганига чорак аср бўлди.

Бу даврда маҳсулот ишлаб чиқариш етти хилдан эллик хилга ортди. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар саксонинчи йил олимпиадасида юқори баҳо олганлиги яна бир бор эсланди. 1982 йили эса Чехиянинг Брно шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада Самарқанд чиннилари олтин медалга лойиқ кўрилган. 25 йил аввал иш бошлаган тажрибали ишчилардан 93 нафари бозор ислоҳоти шароитида ўзбек чинниси сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

Иқтисодиёт олами

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

НАВОИЙ (мухбиримиздан). «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб минерал ўғитлар тайёрланарди. Айниқса, аммиак селитраси табиатга зиён етказди.

Шу боисдан атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган баъзи цехлар ёпилди. Зотан, асбоб-ускуналардан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Яъни, қайта таъмирланиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга киришилди. Бирлашмада ҳозир 300 турга яқин харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, шампунлар кўпчиликка маъқул келиб турибди. Дераза тутқичлари, турли рўзғор буюмлари ҳам эътиборда. Кир ювиш воситалари, ош сиркаси жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада қадоқланмоқда. «Навоийда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган тайёр маҳсулотлар ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидоргир. Энди ҳар хил совунлар ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Иқтисодиёт олами

МУКОФОТГА НОВВОСУ БОТМОН ДОН

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Чиноз туманидаги Турсуной Охунова номли жамоа хўжалиги ўтган йили ғалладан юқори ҳосил олиб, вилоятда биринчилар қаторида режани уддалаганди. Жорий йилда эса 339 гектар майдонга бошоқли дон экилди.

Албатта, ўрим-йиғим палласида деҳқон меҳнатининг самараси кўп жиҳатдан техникага боғлиқ.

— Бизда ҳар бир ўрим комбайнига 3 нафардан механизатор бириктирилган, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Набижон Бектуров. — Ҳа демай, ёппасига ўримга киришамиз. Мавсумда иштирок этадиган механизатор ва ўримчиларни рағбатлантириш, чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳосилни нест-нобудсиз йиғиштириб олишда ўрнак кўрсатган механизаторга 100 килограмм ғалла ва мавсум охирида битта новвос берилади.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Озодлик насибаси

ҚУШ ҚАФАСНИ ОРЗУ ҚИЛМАЙДИ!

«ХАЛҚЛАР ТУРМАСИ»НИ ҚЎМСАШ

Буюк файласуф Лао Цзи ўлими олдидан болаларини чақириб, ҳаётий хулосасини шундай васият қилган экан: «Болаларим, оғзимга қаранглар — қаттиқ тишларим аллақачон синиб тўкилди, юмшоқ тилим эса ҳали ҳам омон турибди!» Совет салтанатининг умри «тиш»нинг умридир, чунки у «тил» эмасди, қайишқоқликни билмасди, қотиб қолган, ўзгаришга, янгиланишга тоқати йўқ, «инқилобчи» эди, муросани билмасди, сўзларди — тингламасди, ўргатарди — ўрганмасди, ўқитарди — ўқимасди...

Қизил салтанат қулади. У иқтисодий яккамулкчилик шароитида еримизни адо қилди, Орол денгизини қуритаёзди, муштарак маданиятимизни иккига — «янги», «социалистик» ва «эски, диний-клерикал»га бўлиб, Навоий, Лутфий, Бобурни чала ўқитди, Машраб, Яссавий, Сўфи Оллоёрни «янги маданият»га киргизмади, аждодларимиз қурган миноралари омборхонага айлантирди, ёзган китобларни архивларга ташлаб, халқ кўзидан йироқлаштирди, миллий урф-одатларимизни оёқ ости қилди. Бу салтанатни соғиниш мумкинми?

Шўролар империяси нафақат йўлимизга, балким дилимизга ҳам тажовуз қилди: кайфиятимизни ҳам идора этишга уринди, ҳаттоки, «оилани режалаштириш» ниқоби остида нечта бола кўришни ҳам ўргатишга киришди. Шундай тузумни қўмсаб бўлармикан?

Бошидан охиригача қирғиндан чарчамаган тузум етмиш йил давомида уруш билан банд бўлди, «аксилинқилобчилар» билан урушдан бошланган салтанат «Афғон уруши» билан ниҳоя топди. «Босмачи» аталган миллий озодлик жангчилари билан уруш тугаган заҳоти «ички душман» деб халқини — Чўлпон, Қодирий, Усмон Носирларни ота бошлади. Иккинчи жаҳон уруши олдидан энг сара инсонларни отгани учун уруш оғир кечди. Уруш тугар-тугамас яна ички сургуну қирғин бошланди. Ҳатто 80-йилларда ҳам «Ўзбеклар иши» ниқоби остида сталинона анъаналар давоми ўлароқ халқ «жиноятчи»га айлантирилди.

Хайрият, мустақиллик бу зулмларга чек қўйди. Энди қулликка қайтиш йўқ.

Албатта, кимдир айтиши ҳам мумкин: «Нега бунча совет тузумига ёпишиб олдинглар? Кечаги кунда анча улкан ишлар ҳам бўлгандику!? Мирзачўл ўзлаштирилди, саҳроларда шаҳарлар қад ростлади, зилзила вайрон қилган Тошкент тикланди, «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз», «Алишер Навоий», «Уфқ» каби романлар ёзилди...»

Тўғри-ю, бу менга бир латифани эслатади: қизил салтанатда ҳар қандай қилинган фазилатли иш «социалистик тузум шарофатидан» деб аталар, ҳар қандай иллат, танқислик, очарчилик «социализм душманларининг кирдикорлари» дея тушунтирилар эди. Мактаб ўқувчиси домладан сўрабди: «Муаллим, ўтган асрда Кутузов аскарлари Наполеоннинг устидан ғалаба қилгани ростми?» «Рост!» «Айтиб беролмайсизми, ўтган асрда партия ташкилотисиз, КПССсиз қандай қилиб ғалаба қилишди экан?!»

Рост, шўро даврида ҳам одамлар туғилди, деҳқонлар сабзи-пиёз экди, бинокорлар иморат қурди, шоирлар севги ҳақида ўртаниб шеър ёзди. Худди шундай, совет давлатидан олис-олисда — Японияда, Америкада ёки Голландияда ҳам одамлар туғилди, деҳқонлар сабзи-пиёз экди, меъморлар бинолар тиклади, шоирлар севги ҳақида шеър ёзди. Аслида бозордан карам ёки турп сотиб олаётган харидорнинг уни эккан деҳқоннинг сиёсий дунёқараши билан иши йўқ. Коммунист чўпоннинг қўйлари кўзилайди-ю, бошқаларники тумсо қоладими?

1

Гап шундаки, совет тузуми даврида ҳам одамлар севдилар, севганларига уйландилар, болалар туғдилар, иморатлар қурдилар, бироқ бу болалар «социализм шарофати билан» эмас, ота-онасининг саъй-ҳаракати ва Аллоҳнинг иноятн билан туғилгандир, бу иморатлар «компартия шарофати билан» эмас, қурувчию меъморлар меҳнатидан бино бўлгандир. Яхши яшаш учун, севиш, уйланиш, фарзанд кўриш, бинолар қуриш, асарлар ёзиш, ғузал ҳиссиётларни кечириш учун орқага қайтиш шарт эмас, бугун ва бундан буён астойдил меҳнат қилиш, ўзлигини англаш, ўз тақдири учун масъулиятли бўлиш, кифоя. Бунинг учун мустақилликка эришган юртимизда шароит бор.

Совет тузумининг «шарофати» эса шундаки, у ҳар бир деҳқоннинг қўлига партбилет бериб, тепасига биттадан парткомни ўтқазиб қўйди, ҳар бир ишчининг устидан иккита тафтишчини бошлиқ қилди, ҳар бир фуқарони бошқа бир фуқаронинг «сиёсий онги»дан ҳушёр бўлишга, жосуслик қилишга ундади...

«Мирзачўл ўзлаштирилди», аммо бунинг оқибати-чи, бугун жаҳон олимларининг аниқлашича, табиатда денгизлар — бир совутгич, тўқайлар — ҳаво алмаштиргич вазифасини бажарса, саҳролар тозалагич хизматини ўтар экан, табиат бир тирик вужуд бўлса, сув — қон, денгизу уммонлар юрагу томирлари, ўрмонлар — ўпкаси, саҳролар жигардир, саҳроларга тушган сув шаффофланиб, бўғланиб осмонга чиқади, туйинган булутлар эса уни олиб боғларга қуяди... Аллоҳ бежиз ҳеч не бунёд этмас, саҳроларнинг ўз ўрни, хизмати бор эди, шўро мамлакати юҳолига оқибатида ғузал денгиз — Оролнинг насибаси бўлган дарёлар саҳрога бурилди ва оқибатда, бугун денгиз тақдири ҳам хавф остида қолди, дарёни саҳрога буриб топилган маблағлар, қуриётган денгиз оқибатларига сарфланмоқда, денгиз насибаси саҳрога берилгани учун денгиздан қўзғалган туз тўзонлари энди ҳамма ёқни саҳрога айлантирмоқчи бўлади. Мана, шўролар салтанатининг «чўқуварлиги» қандай фожиага сабабчи бўлмоқда. Тошкент зилзиладан сўнг тикланди, аммо уни демографик таркиби қай аҳволга тушди?! Метрополитен қурилди, бироқ у юз тонналаб тилла, минг тонналаб ипак, миллион тонналаб пахта етиштирган мамлакатда метро қурилмаслиги керакмиди?!

Совет даврида ҳам «Ўтган кунлар» каби буюк асарлар ёзилди, аммо бу асарларни тузум ёзиб берган эмас, уни Абдулла Қодирий ёзган, совет тузуми эса уни отиб ташлади. «Кеча ва кундуз» романини ёзган дилбар шоир Чўлпон ҳам, Лермонтовни таржима қилган Усмон Носир ҳам қамалди, отилди, ўлдирилди. Ойбек қувғинлардан зада бўлиб, не кунда жон берди?!

Совет салтанатида ёзилган асарлар, тикланган бинолар, қад ростлаган хирмонлар «социализм туфайли» эмас, халқ меҳнати туфайлидир.

Баъзан шундай гап ҳам қулоққа чалинади: «Агар Сталин тирилиб қолса, мана бу ғирромларни отарди, йиққанини бизга бўлиб берарди!» Бу гапни гапираётган одамлар негадир бошқаларни «қаллоб», «кўзини ёғ босган», ўзларини эса, албатта, «бечора», «ҳалол» «қадрланмаган» санайдилар. Сталин бошқаларни отиб, менга тегмайди, деб ўйлайдилар. Азизим, пастроққа тушинг, Сталин сизни ҳам, албатта, навбати билан йўқотган бўларди. Ажал тегирмонини орзу қилманг!

Шукрки, халқимизнинг аксарияти ўзлигини англамоқда. Айниқса, ёшларимиз-менинг ука-сингилларим — мафкуравий тумандан холи, хаёли тоза бўлиб ўсмоқдалар. Улар одамга нажот аввало ўзидан эканини англадилар. Деҳқонларимизнинг аксарияти ер олиб, экин-тикин қилмоқдалар. Ҳар ким бир ишни бошини тутмоқда, ўзига ўзи ёрдамга келмоқда. Бундай ўктам одамлар нолиш, қўмсаш, тушкунликдан йироқдирлар. Юртнинг келажаги ана шулар биландир.

Мустақил давлатимизда қарор топаётган демократик тузумнинг асоси ҳам, менинг назаримда, шундай. Инсон ўз ҳаётини ўз иродасига қараб қуради, ўз ҳаракат-

(Давоми 4-бетда).

2

«ОШИҚ» ПИЧОҒИДАГИ ҚОН

Муқаддам уч бора судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтган Холмурод ўйлаб қараса қирқ бешни қоралабди. На яқин дўсти, на сирдош ёстиқдоши бор. Умр эса селдек ўтиб кетяпти. Ўз тенгини топмаса бўлмайди. Қачонгача сўққабош юради, ахир!

Тақдирни қарангки, унинг ҳам тенги топилди. Аммо саккиз ёшли қизи бор аёл унга кўнгил қўярмикан? Шу илинжда «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг биринчи ошхонасида ишловчи Санобар Халилованинг қалбига қўл солиб кўрди. Унинг шахсини ўрганди. Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, Санобар ҳам бир бор темир панжарада умргузаронлик қилган экан. Нима қипти, бир-бирини тушунса бўлди-да! Жувон розилик билдирди, Холмурод Камолов унинг ҳолидан хабардор бўлиб турди. «Ошиқ-мошиқ»лар дил майлларини Санобарнинг онасига баён қилишди. Она рози бўлди.

ЗАГСдан ўтиш керак, аммо Санобар олдинги эри билан орани очиқ қилганича йўқ. Ўртадаги никоҳ бузилмаган. Лекин Холмурод билан учрашиб юраверди. «Ошиқ» йигит унга пулдан қарашиб турди.

Ерни сув, одамни гап бузаркан. Санобар ваъдасидан тўсатдан қайтса бўладими?! Ахир, чопонини «у ёққа» ташлаб келган йигит бундай ғирромликка қандай чидасин? Яхшиси, берган 1000 сўм пулини қайтариб олади. Хотин зоти қуриганми?! Яна биттасини топади.

Бултур октябрь ойи охирларида шу ўй билан у Санобарнинг йўлини тўсди.

—Яхшиликни билмас экансан, номард, — деди у жаҳл билан. — Бошқанинг барини тутибсан-да. Майли, берган пулимни қайтар!

Санобар «Маош олсам бераман» дейишга оғиз чоғлаганида Холмуроднинг сабри чидамади. «Топиб берасан» деб туриб олди.

— Қараб тур, қаматмасам кўрасан ўшанда, — деди жувон таёқ зарбидан инграркан. — Шунда сендан қутуламан.

Ўша кеча жувон қорнини ушлаб инграб чиқди. «Ошиқ» кечирим сўраш учун ётоқхонага келди, бўлмади. Санобар ариза билан милицияга мурожаат қилганди. Холмурод «Аризангни қайтариб ол», деса ҳам аёл кўнмади, тергов бошланди. Яна сўроқ, суриштирув... Орадан кунлар ўтди. Ўртада ади-бади бошланди. Холмурод жувоннинг юзига тарсаки тортди. Аёл ерга қулади. Йигит уни тепкилай кетди. Хайриятки, қизи Феруза ётоқхона навбатчиларини кўмакка чақирди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Санобар сўзида қаттиқ турди: «Қамалишинг керак! Мана, 400 сўм ол», деганда Холмурод кўнмади.

Бир оёғи милиция бўлимида, иккинчи оёғи ишда бўлган Холмуродга ўтириб-ўтириб алам қилди. Уч марта ҳам одам ўлдиришга қасд қилган бўлса-да, зиндонлардан омон қайтди-ку! «Бу сафар ҳам... Йўқ, йўқ! У ерларни энди елкамнинг чуқури кўрсин! Кел, аламингни ароқ босади, олақол! Ҳа, Холмурод бу фикрингдан қайт!» Аммо бўлмади. У ичкиликка берилиб, қўлига пичоқ олгани, Санобар ишлайдиган ошхонага девор ошиб кирганини сезмади. Кўзини қон пардаси тўсган «ошиқ» сўнгги ҳамлага ўтди. Иш билан машғул бўлган ўлжаси — Санобарнинг сочига чангал солиб, пичоқни бўйнига урди:

— Мана, сенга! Аризани энди қайтариб олмасанг ҳам майли. Мени ҳам, бошқаларни ҳам энди лақиллатолмайсан!

Қотил жувондан аламини олгач, милиция бўлимига бориб, бўлган воқеани баён қилишга ўзида журъат сезди...

Хўш, Вобкент туманида туғилган, умрининг ўн уч йилини ҳибсхонада ўтказган, кейинчалик Бухородаги кўчма механизациялашган колоннада бульдозерчи бўлиб ишлаб келган Холмурод Камоловнинг бундай аянчли қисматига суд қандай баҳо берди? Жиноятчига ўлим жазоси берилди. Бундай жазога у ўзининг ақл-фаросатини йиғиштириб олмаганлиги учун эришди. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. У ҳам бўлса — Холмурод ишлаётган жамоанинг лоқайдлиги, атрофида яхши одамларнинг озлиги, жиноят йўлидан қайтаришга, тарбиялашга бўлган бепарволиги эмасми? Ана шу касаллик туфайли жамиятимиздаги оғриқ нуқталар йўқолмаяптимикан?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



САЙР.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Франциянинг Гавр шаҳридаги университетда «Марказий Осиё: мустақиллик ва мустабидлик» деб номланган илмий конференция бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг маърузаларида Марказий Осиёдаги иқтисодий вазият ҳақида фикр юритилди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондаги иқтисодий ислоҳотлар ҳақида фикр юритилди. Айниқса, ўзбек пахтасининг сифатига юқори баҳо берилди. Собиқ СССРдаги мустақил мамлакатлар, Хитой ва Шарқий Европа мамлакатларидаги иқтисодий аҳволни тадқиқ қилувчи мутахассис Ален Жиру конференция қатнашчиларини иқтисодий аҳвол билан таништира туриб, Ўзбекистон кенг миқёсдаги хусусийлаштиришни ўтказиб, иқтисодиётни янада кўтармоқда, ислоҳотларни чуқур амалга оширмоқда, деди. Конференция кунлари Гавр университетида ҳозирги Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

ЙИГИРУВ ФАБРИКАСИ

Жорий йил август ойида Ҳисор туманида йигирув фабрикаси ишга туширилади. Фабрика қурилишини маблағ билан таъминлаш ва зарур ускуналар билан жиҳозлашни Бирлашган Араб Амирликлари фирмалари ўз зиммасига олди.

Фабрика ишга тушгач, йилига 7 минг тонна калава тайёрлайди. Маҳсулот асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Шунингдек, юзлаб кишилар иш билан таъминланади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ РАД ЭТИЛДИ

Қозоғистон Республикаси парламенти ҳукумат томонидан тайёрланган пенсия тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этганидан сўнг бу ерда танглик юзага келди. Қонун лойиҳасига кўра республикада яшайдиган эркакларни 63 ёшдан ва аёлларни 58 ёшдан пенсияга чиқариш керак эди. Президент Нурсултон Назарбоев ҳозирги пайтда ҳукуматга ишончсизлик билдириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида парламентни огоҳлантирган эди. Лекин бу масала яқин кунларда узил-кесил ҳал этилиши кутилмоқда.

ПАРВОЗ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қўшни республикаларга самолётлар парвозини йўлга қўйиш борасида изчил ишларни амалга оширяпти. Яқинда қувончли хабар тарқалди. Самарқанд—Жамбул—Алмати йўналиши бўйича самолётлар парвози йўлга қўйилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

• Россия Федерацияси аҳолиси 12 июнь куни мамлакат давлат мустақиллиги ҳақида декларация қабул қилинганлигининг 6 йиллигини нишонлади. Маълумки, 1990 йил 12 июнь куни РСФСР халқ депутатлари кенгаши съездида ушбу декларация кўпчилик овоз билан ноиблар томонидан қабул қилинган эди.

* * *

• Исроилда бўлиб ўтган сайловлар натижаси араб мамлакатлари раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. Шу муносабат билан Дамашқда Сурия Президенти Ҳ.Асад, Миср Президенти Ҳ.Муборак ва Саудия Арабистони тахт вориси, шаҳзода Абдаллалар учрашди. Бу учрашувда уч давлат раҳбарлари шу йилнинг 21-23 июнь кунлари Қоҳирада умумараб йиғилишини ўтказишга келишиб олдилар.

* * *

• Жанубий Африканинг Кавзулу — Наталь провинциясидаги барча сиёсий партиялар маҳаллий ҳукумат органларига июнь охирида ўтказиладиган сайловларда «журналистларни ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш» мажбуриятини олдилар.

* * *

• Исроил ҳарбийлари Ливан жанубини ўққа тутишни давом эттирмоқдалар. Кейинги кунларда Исроил томонидан босиб олинган хавфсизлик зоналарига туташ Ливан ҳудудларига мунтазам равишда фосфорли снарядлар ёғдирилмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги майдонлари, боғ-роғлар вайрон этилмоқда.

* * *

• Ун уч кунлик иш фаолиятидан кейин Ҳиндистон Бош вазири лавозимини эгаллаб турган А.Ваджпаи кабинети истеъфога чиқди. Янги Бош вазир этиб 63 ёшли Деве Говда тайинланди. У шу пайтгача Карнатаки штати ҳукуматини бошқариб келаётганди. Д.Говда Жаната парти етакчи раҳбарларидан бири ҳисобланади.

ЭСКИ ҚУШИҚНИНГ ЯНГИЧА ХИРГОЙИСИ

Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Жазоирда етти нафар француз руҳонийси ўлдирилишини қаттиқ қоралади ҳамда ушбу қотилликда мусулмонларнинг иштироки бор деган тахминни инкор этди.

Ташқи ишлар вазири доктор Муҳаммад Исломда мақсадга

Сиёсий иқлим

эришишнинг барча воситалари ҳам қувватланавермайди. Муслим киши ўз кураш йўлида Аллоҳ ман этган воситалардан фойдаланмаслиги зарур, деган фикрни билдирди.

У: «Уммон орти кишварининг Эронни дунё жамоатчилигидан сиёсий иҳота қилиш борасидаги фаолияти жаҳон воқелигига ва ҳақиқатга мос келмаслиги сабабли бўҳронга юз тутди, — деган гапни айтди. — Бундай ҳаракатларнинг моҳиятида эътиқодимизга ва ўзимизга бўлган нохуш кайфият ётади».

Дарҳақиқат, Эронни терроризмда айблаш эски қўшиқни янгича хиргойи қилишга ўхшашдан ташқари, ўзи ҳам терроризмдан азият чекаётган давлатга таъна тоши отишга ўхшайди. Яқинда бўлиб ўтган Ливандаги воқеаларда айрим давлатларнинг тутган нуқтаи назари бу фикрни тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Бизнинг суҳбат

ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАЛАРИДАГИ ЯПОНИЯ

Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан борар экансиз, энг замонавий видео-аудио техникалари — «Сони», «Панасоник», «Филипс»нинг кенг ёймасига (рекламасига) дам-бадам кўзингиз тушади. Ўзбекистон кўчаларида Японияннинг қулай, ихчам ва кўркам автомашиналари тобора кўпаймоқда. Гўё табиат билиб яратгандай: қуёш ҳар куни кун чиқар юрт — Японияндан кўкка кўтарилиб, қуёш юрти — Ўзбекистон осмонига ошиқаяди. Бизнинг ҳамкорлигимиз қуёшнинг иссиғидай ҳароратли. Бу ҳароратнинг чўғида, шубҳасиз, Ўзбекистондаги Япония элчихонасининг меҳнати улкан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва адиб Борис Пак яқинда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулоддa ва мухтор элчиси Укеру МАГОСАКИ жаноблари билан мулоқотда бўлиб, унинг айрим тафсилотларини газетхонларимиз учун илинди.

— Элчи жаноблари! Сиз Японияннинг Ўзбекистондаги биринчи расмий Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшяпсиз. Шу йўналишда яна қандай катта режаларни амалга ошириш мўлжалланилаётгани ҳаммамизни қизиқтиради.

— Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги унинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигидир. Бунга, шубҳасиз, Президент Ислом Каримовнинг доно раҳбарлиги остида эришилмоқда. Бундай барқарорлик бошқа бир қанча давлатлар каби Японияннинг ҳам юртингизга бўлган манфаатли қизиқиши учун асос бўлади. Ўзбекистоннинг ўтиш даври учун дастуриламал бўлган беш тамойил Японияннинг урушдан кейинги тараққиёт асосларига мос келади. Шунинг ўзи ҳам ўзбеклар ва японларни бир-бирига яқинлаштиради.

Замонавий давлат бунёд этиш учун мустаҳкам иқтисодий негиз, саноат ва ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, илмий-техник каби тармоқларнинг ҳозирги замон даражасида бўлиши талаб этилади. Бунинг учун шубҳасиз, кўп маблағ зарур. Шуни ҳисобга олиб, Япония ҳукумати ишбилармон доиралари 1995 йилнинг март ойида «Японияннинг Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар режаси»ни тайёрлади. Амалга киритилган ушбу дастур ўлкангиз иқтисодиётини асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф ва тиббиёт йўналишида кўтарилишига ўз таъсирини ўтказади. Урушдан кейинги йилларда Японияннинг оёққа туриб олишида бизга қандай «ёрдам берганлари» эсдан чиқмайди. Биз мамлакатни кўтариш учун зарур бўлган маблағни қийинчилик билан топардик. Бундай вазиятни яхши билган ҳукуматимиз Ўзбекистонга имтиёзли шартлар билан узоқ муддатли — 30 йилга 3 фоиз устамали заём ажратди. Унинг умумий ҳажми 774 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 585 минг доллар қайтармаслик шарти билан берилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда Японияннинг жаҳонга машҳур 4 та — Томен, Сумитому, Марубени, Мицубиси, Мицуи корпорациялари ҳамда таъмирлаш ва тараққиёт Европа банки иш юргизмоқда. Эксим банки, Марубени, Ниню Иваи корпорациялари Бухоро ва Фарғона вилоятидаги нефть ва газни қазиб олиш саноатини қуриш ва таъмирлаш учун 313 миллион доллар ажратди. Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш, йўловчи вагонлар, тепловозларни ҳамда 3 та аэропортни таъмирлашда Япония ҳам иштирок этади. Аҳоли соғлиғини сақлаш учун 10,5 миллион доллар қайтармаслик шарти билан ёрдам берилди. Педиатрия илмий тадқиқот институти клиникаси, педиатрия институтининг 2-клиникаси, 3-гинекология маркази, Тошкентдаги 3-туғруқхона, Андижон шаҳридаги болалар клиникаси, Чирчиқ шаҳридаги Оналар ва болалар маркази, Қорақалпоғистондаги туғруқхоналардан бири ва болалар фалаж касалхонаси бизнинг корхоналаримиз иштирокида қайта таъмирланади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун 4 миллион АҚШ доллари берилди. Олтин, пахта, шойи саноатини янада ривожлантириш борасидаги шартномалар муваффақиятли олиб борилмоқда.

— Техника ва технологиянинг айрим соҳалари мукаммал даражада ривожланган Япония юксак малакали ўзбек кадрларини тайёрлаш, мутахассисларни ўқитишни ҳам режалаштирганми?

— Юксак малакали кадрларсиз жаҳон миқёсида рақобатбардош техника маҳсулотларини ривожлантириб бўлмайди. Мамлакатимиз «Тараққиётга Расмий Ёрдам» деб номланган узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқди. Дастурнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро алоқасини тан олиш ва атроф-муҳитни сақлашдир. Шу дастурга асосан Япония ривожланаётган мамлакатларга дунёда энг кўп — 13,34 миллиард доллар ёрдам ажратди. Шунинг 2,5 миллиард доллари қайтармаслик шарти билан берилди. Ўзбекистонга 16, Қирғизистонга эса 10 миллион АҚШ доллари ажратилди. Элчихонамиз ҳар йили ўн нафар ўзбек йигит-қизларини ўқиш учун Японияга жўнатади. Япония парламенти депутати жаноб Кумагай хусусий «Кумагай жамғармаси» ни ташкил этиб, ўзбекистонлик ёш олим ва талабалар учун саккиз йиллик стипендия жорий этди. 1995 йилда элчихонамиз ҳисобидан 2 ўзбек аспиранти ва 2 талаба Японияга ўқишга жўнатилди. Ўрни келганда айтиш мумкинки, Японияда бир талабани бир йил ўқитиш 25 минг долларга, аспирантни ўқитиш эса бундан ҳам қимматроққа тушади.

— Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, уруш қонунларига кўра, Тошкентга ҳам япон асирлари олиб келинган эди. 819 нафари абадул-абад Ўзбекистон тупроғида қолди. 1995 йилда Японияга ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов Япония императори ва Бош вазирига Ўзбекистонда дафн этилган япон асирларининг қабрларига қўйилган ёдгорлик лавҳалари акс этган альбомни топширган эди. Шунга қарамай, урушдан кейин ўтган ярим асрлик вақт мобайнида Ўзбекистонда дафн этилган япон асирларининг Хотира Китоби ва Ёдгорлик мажмуини барпо этиш эҳтиёжи пайдо бўлаётир. Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

— Жуда муҳим масалани кўтарганингиз учун сиздан миннатдорман. Бу таклифни тўла қўллаб-қувватлайман. Афтидан, ушбу масалани ҳукуматлар даражасида муҳокама этиш учун фурсат ҳам, вазият ҳам етилди. Бу долзарб масала япон асирлари дафн этилган МДҲ давлатларининг ҳар бири билан муҳокама этилиши зарур. Тарих сабоғини авлодлар билиши лозим.

ҚУШ ҚАФАСНИ ОРЗУ ҚИЛМАЙДИ!

(Давоми. Боши 3-бетда).

лари учун масъулиятни ўз бўйнига олади, ўз тақдирини ўзи яратади. Ўзбекликнинг асоси ҳам шундадир.

СССР НЕГА ҚУЛАДИ?

Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги қарори энг аввало сиёсий қиморхонада сурилган бир найранг қартасидир, чунки совет тузуми Беловеж битимидан қулаган эмас ва уни бир қарор билан тиклаб ҳам бўлмас. Беловеж битими қулаб тушаётган империянинг ўлимига маданий тус беришга уриниш, йиқиладиган ерга сомон тўшаб қўйиш эди. Қолаверса, унинг ташаббускорлари ҳам славян давлатлари эди.

СССРнинг қулаши — муқаррар, сабаблари эса — жуда чуқур, совет тузумининг етмиш йиллик тарихидан, империячиликнинг ички тамойилларидан келиб чиқади. Бу тузум озгина ютуқни ҳамиша ўз «шарофати» ҳисоблаб, ҳар қандай камчиликни бегоналарнинг «қўпорувчилиги» билан изоҳлаб келди. Етмиш йил давомида тинимсиз душман изланди. Энди йиқилишни ҳам Беловеж битимига тўнкаб туришибди.

Совет тузуми **сиёсатдаги** яккапартиялиқдан, қотиб қолган «таълимот»ни ушлаб олиб, халқдан келаётган турли фикрларни эшитмасликдан, сиёсий онг турғунлигидан, такомиллашмасликдан, бунинг натижасида бошқарувдаги каззоблик, қилвирлик ривожидан қулади. Бу империя **иқтисодиётда** давлат мулки яккаҳокимлигидан, халқнинг хусусий мулксиз қолганидан ва бунинг оқибатида меҳнатни астойдил қилмаганидан, қама-қамалар, назоратлар, текшир-текширлар остида етиштирилган маҳсулотни ҳам жаҳон бозорида талабгорга сотмай, «социализм» қураётган қолоқ мамлакатларга сув текин берилганидан, «аравани отнинг олдидан қўшиб», иқтисодиёт сиёсатга бўйсундирилганидан, тўрт томондаги мамлакатлар ва халқлар «социализм душмани» ҳисобланиб (гўё уларнинг бошқа ишу ташвишлари йўқ!), улкан армия тиш-тирноғигача қуролланиб, боқилганидан қулади. Қизил салтанат **маънавиятда** эътиқод, дину иймон қатағонидан, оммавий даҳрийликдан, миллий қадриятлар, урф-одатлар инкор этилишидан, руҳий емирилишидан, оммавий зерикиш, парокандаликдан, ҳаётдан юлиб, қалбга ҳайдалган миллий туйғулар миллий низолар бўлиб жунбушга келганидан қулади.

НИМАНИ ҚЎМСАЙСИЗ?

Бугун Россияда, бошқа айрим посткоммунистик давлатларда неокоммунистлар қўрқувга қурилган тизимдан онглилик, ақл-фаросатга таянадиган тузумга, жаҳон тан олган бозор иқтисодига ўтиш жараёнидаги қийинчиликлардан бироз эсанкираган оломоннинг яқин-ўтмишини қўмсаш ҳиссидан сиёсий ўйинларда фойдаланмоқ ҳаракатига тушдилар. Энг ачинарлиси, бу қалтис гирдоб айрим давлат раҳбарларини ҳам ўз домига тортмоқда, «иккилик», «тўртлик»лар бўлиб улкан режалар тузмоқдалар.

Хўш, кимлар кечаги кунни қўмсашяпти? У қандай кун эди? Нималар эвазига эди? Мен кечаги кунни қўмсаётганларни бир неча гуруҳ ҳолида тасаввур қиламан. Буларнинг асосий қисми, албатта, кеча ўз халқларини талаб-талатиб кун кўрган, эли кишанда бўлса-да, ўзи бу маҳбусхонанинг малайи бўлиб, «оға»лар ташлаган суякка ўрганган айрим собиқ катта-кичик амалдорлардир. Улар кечаги кун деганда аслида юмшоқ ором курсиларини, меҳнаткаш елкасида чарсиллаган қамчиларини соғинадилар. Мустамлака ўтмишни қўмсаётганларнинг яна бир қисми аслида ғўдаклиги, ёшлигини қўмсаётган ҳиссиётли одамлардир. Буларни тушуниш мумкин, чунки инсон болалигини қўмсайди, ахир болалиги оғир уруш йилларига тўғри келган кишилар ҳам барибир ўша дамларни эслаб, ширин хўрсиниб қўядилар. Бироқ, бу хўрсиниш — урушни соғиниш эмас, болаликни соғинишдир. Кечаги кунни қўмсаётганлар орасида яна бир тоифа борки, қорин бандаларини энди бемалол гумроҳлар, деб атасак тўғри бўлади, шўрликлар кечаги миннатли ясама «фаровонлик»ни қўмсайдилар, қадрига эмас, қорнига йиғлайдилар, мустақиллик келганини, халқи билан бирга инсоний қадр-қимматга эга бўлаётганларини англаб етмайдилар. Уларга ачинасан, киши. Худога шукрки, халқимизнинг аксари қисми кўзи очиқ, фикри теран, назари кенг инсонлардан иборатдир, бу эл бугун мустақилликнинг ҳавосидан тўйиб нафас олмоқда, унинг оғирини кўтариб, ҳимояси ва меҳнатига бел боғламоқда.

3

Модомики, озми-кўпми мозийни тамшаниб қўмсаётганлар бор экан, бу бизни оғир ўйлантиради: 70-80 йиллардаги нисбий барқарорликнинг асоси бормиди? Биринчидан, бу «фаровонлик» СССРдаги иқтисодий ўсиш замирида эмас, келажак авлодларнинг насибаси бўлган ерости бойликлари — нефть, олтин, олмосни аёвсиз қазиб сотиш эвазига таъминланди. Иккинчидан, бу СССРдан нарига чиқмаган (тавғрироғи, чиқарилмаган) назари паст оломоннинг кўзигагина тўкинлик бўлиб кўринар эди (музлаган гўшт, бир тоифа пишлоқ, посони бир камзуллар...), буни гўштнинг юз хили, пишлоқнинг уч юз хили терилиб турган хорижий мамлакатларнинг дўконига солиштирганда асло тўкинлик деб бўлмайди. Учинчидан, ана шу ясама тўкинлик уюштирилганди, яъни анча меҳнат сарфланган гугурт паст нархда — бир тийин, минг сўмга ясалган енгил машина ўн баробар қимматга сотиларди. Оқибатда совет кишиси истаганча гугурт олиши мумкин (нима керак?), аммо машина миниш учун умр бўйи йиғишга мажбур эди. Нархнинг эркин эмаслиги, бошқарилиши оқибатида ясама «арзончилик» уюштирилди. Тўртинчидан, ана шу 70- йилларнинг кўргазма «фаровонлиги» ҳам 80-йилларга келиб чок-чокидан сўкилиб кетди, оддий ҳожатхона қоғози ёки колбаса учун соатлаб навбатлар пайдо бўла бошлади, сиёсий турғунлик иқтисодий инқироз, маънавий парокандалик юз кўрсатди. Оқибатда, СССР раҳбарлари «жадаллаштириш, «қайта қуриш» билан чалажон мамлакатни ҳаракатга индиришга уриндилар. Натижа чиқмагач, яна 70 йил давом этганидай йиқилаётган халқ хўжалигига «айбдор» излай бошладилар. — «пахта иши»ни топдилар, ўтган кун — Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлари, кеча — Саид Аҳмад, Шукрулло, Шуҳратлари «халқ душмани» бўлган элни энди ёппасига «душман халққа» айлантирдилар, «Ўзбеклар иши»ни очдилар: «мана, булар еб ётган экан, шунинг учун иқтисодимиз ўнгланмай турибди!» Туҳматни қаранг! Шу кунларни қўмсаш мумкинми?

ОРТГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Халқимиз эрк қадрини англаб етди, у ҳар хил товламачиларга қўшилмайди, эркини бермайди. Холисанилло, ўйлаб қарасак, 90-йиллардан 80-йилларга қайтишнинг иложи ҳам йўқ. Жамиятда кечаётган жараёнларга эътибор берайлик: бугун мулкнинг турли шакллари мавжуд, мулкдорлар синфи шаклланди, бозор инфраструктураси юзага келмоқда, янги бозорий онг, жаҳоний қадриятлар ривожланмоқда, хусусийлаштириш жараёнида ўз мулки ва сармоясига эга бўлганлар сони чандон кўпайди. Хўш, энди ортга қайтиб бўладими? Бунинг учун яна «қулоқлаштириш», мулкдорларни «босмачи» деб қириш, яни тафаккурли «бозор кўрган» ёшларни сургун қилиш, зиёлиларни «халқ душмани» этишга тўғри келади. Қонли фуқаролар уруши бошланадики, бу аввалги инқилоблардан даҳшатли бўлади, чунки унинг қатнашчилари феодализмдан капитализмга ўтаётганлари йўқ, уларнинг руҳиятида социалистик муросасизлик асорати бордир. Бугун 80-йилларга қайтиш учун аввал 17 йилга — фуқаролар урушига, кейин — 37 йилга — қатағонларга, сўнг — уруш ва турғунликка қайтишга тўғри келади. Ким буни хоҳлайди?! Ҳеч ким хоҳламаса керак? Ҳар ҳолда, ақли бутун одамлар ўз бошларини сиртмоққа тутмайдилар.

«ИНТЕГРАЦИЯ» КИМГА КЕРАК?

Кейинги пайтларда аввалари «байналмилалчилик» либосини кийган империяпарастлик «интеграция» ниқобига ўралмоқда. Бир вақтлар мажбурлаб, тиғ остида тикланган мудҳиш салтанат қулади, энди у тикланмайди, янги давлатлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ҳудудий дахлсизлик, ўзаро манфаат асосигагина қурилиши мумкин.

Посткоммунистик давлатларда кечаётган жараёнларга назар солганда, шарқона босиқлик билан ғарбона шошқинликнинг тафовутини кўрамиз. Кўпчилик давлатлар демократия ва бозор иқтисодига калла ташлаб кирганда, Ўзбекистон ислоҳотларнинг босқичма-босқич йўлини танлади ва тарихий тажриба Ислом Каримов танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлади: шошилган давлатларда фуқаролар уруши, ижтимоий тенгсизлик юзага чиқди, оқибатда элнинг кечаги кунни қўмсаш ҳиссиёти оқимида неокоммунизм хавфи кучайди, жаҳон хавотирга тушди, изчил ислоҳот ўтказаётган Ўзбекистон эса аста-секин демократик давлатни тиклашга киришди, жараёнларнинг қайтмаслиги ва муқаррарлигини таъминлай олди, барқарор ва ишончли ҳамкор сифатида жаҳон ҳамжамияти сиёсатчилари ва сармоядорларини жалб эта бошлади. Кеча бозорга шошиб, «шок терапияси» билан кириб кетмоқчи бўлганлар бугун орқага ҳам «парад» бўлиб, шошилиб қайтмоқчилар. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берганда: «Интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга йўл қўйиб бўлмайди», — деб ҳақли таъкидладилар.

4

Умуман олганда, «интеграция» талвасаси айрим раҳбарларнинг ноқобиллигини ҳам кўрсатиб қўйди. Улар бусиз сиёсий банкрот бўлишларини сезяптилар. Фожиа шундаки, улар бу «ташаббус» билан ҳам чўкаётганда дуч келган хасга осилаётган кимсани эслатадилар. Халқимизда: «Шерикчилик ош татимас», — деган гап борки, бу нотенг шерикчилик ҳақида айтилгандир. Ҳозир «интеграция»га шошилаётганар манфаат илинжида эканликларини яширимаётирларки, бу уларни ва уларнинг ортида турган халқларни хижолатли аҳволга солади. Бошқалар ҳисобига ўзини ўнглаш умидида «дўстлик» қилиб бўлмайди.

Ургутда Ўртагузар масжидида Қурбон ҳайити номозини ўқиш олдидан «афғончи» дўстим Эркин Қодировнинг уруш кўрган оёғи толдими, ҳар ҳолда ҳордан қуриб менга бир гап айтиб қолди: «Карим, мана айримлар Россияга қўшилишни гапиришади. Ҳозир Чеченистонда уруш бормоқда. Агар бир бўлганимизда яна қанча йигитлар урушга кетиб, тобутлар келарди қишлоғимизга... Хайрият, мустақилмиз...» Мени бу жайдари ҳақиқат жуда ҳайратга солади. Ўз халқи билан уруш ҳолатида бўлган мамлакат — барқарор мамлакат билан «интеграция» қилиши мумкинми?! Бирлашишга чоғланган қолоқ давлатларни қўя турайлик. Россиянинг бугунги кунда чет давлатлардан қарзи — 120,4 миллиард доллар, фақат охирги пайтларда Россия хориждан 17,2 миллиард доллар қарз олган. Хўш, «интеграция» бўлиб қўшилгач, яна пахтамиз, тилламиз ҳисобидан халқимиз бу қарзни тўлайдими? Шериклик тенглик асосидагина бўлади.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ўз йўлини танлади, Жасоратли раҳбари бошчилигида собиқ тузумнинг оғир асоратларини тузатишга киришди: миллий маданият, мерос тикланмоқда, тил, имло давлат мақомига эга бўлди, тарих ҳаққоний ёзилмоқда, аждодлар шавкати қад ростлаяпти. Орол ва унинг асоратлари даволанмоқда, келажак авлодларнинг соғломлигига қайғурилмоқда, чуқур сиёсий ислоҳотлар натижасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этилди, кўппартиялилик қарор топди, иқтисодиётда турли мулк шакллари пайдо бўлди, бозор тизими шаклланди, халқ хўжалиги изга тушди, миллий валюта қадрини топди ва натижада, Ўзбекистон жаҳонга юз кўрсатди, тенглар қаторида баробар муносабат қила бошлади.

Қийинчиликлар эса ўткинчи. Мен буни таскин учун айтаётганим йўқ. Дейлик, бемор узоқ сурункали оғриса-ю, бир кун даволанишга чоғланса, даво жараёнида оғриқ аввалги сурункали оғриқдан ўнгайроқ бўлади, аммо кейин қутулади, роҳат топади. Етмиш йил тиш оғриса-ю, бир кун суғураётганда, оғриқ аввалгидан зўр, аммо кейин соғаяди. Иқтисодиётимизнинг аҳволи ҳам, руҳиятимизнинг аҳволи ҳам соғая бошлаган беморнинг аҳволидир. Ислоҳот — бу жамият муолажасидир.

Халқ ўз қадрини англади, ўзлигини топди. Энди орқага қайтиш йўқ. Бугунги аҳволимиз қафасдан энди чиққан қушнинг аҳволидай: бироз хавотирли, қанотларимиз эркин учишга энди ўрганмоқда, аммо бу озод парвоздир, қафасдагидай миннатли эмас, ўз нонимизни ўзимиз топамиз, энди бу насиба — машаққатли, аммо тансиқдир.

Карим БАҲРИЕВ.

5

ГУРУҲЛАРДА САРАЛАШ ҚИЗҒИН

Англия шаҳарларида Европа футбол чемпионати давом этмоқда.

Тўрт гуруҳга бўлинган 16 жамоа ўртасида бугунгача биттадан учрашув ўтказилди. Ҳар қайси терма жамоа ўз гуруҳида мавқеини мустаҳкамлашга 1-2-ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олиш, учун интилмоқда. Зеро дарвозаларни забт этиш, ғалаба қозониш осонмас. Ўйингоҳларни тўлдириб ўтирган мухлисларнинг ҳайқириқлари ҳам кўпинча кор қилмаяпти.

Хусусан, Англия-Швейцария учрашувини дуранг (1:1) бўлиши инглиз ишқибозларини қаттиқ ранжитди. Улар тўс-тўполон кўтариб, норозилик билдиришди. Кўпроқ айбни ҳакамга қўйдилар. Ҳайтовур тартиб ўрнатувчилар устун келиб, мухлислар ҳовурини босиб қўйдилар.

Умуман, бўлиб ўтган саккиз учрашувнинг бештасини дуранг бўлиши ҳам муросасиз баҳслар олдинда эканидан нишона. Ҳозирча Англия, Швейцария, Голландия, Шотландия жамоалари «А» гуруҳида биттадан очколик бўлиб туришибди. «В» гуруҳида эса Испания, Болгария жамоалари ҳисобида биттадан очко бўлса, Франция футболчилари ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишган. «С» гуруҳида эса Германия ва Италия терма жамоаларининг мавқелари мустаҳкам. Улар Чехия ҳамда Россия футболчиларидан устун келиб, қимматли очколар олишди. «Д» гуруҳига кирувчи жамоаларда ҳозирча Дания, Португалия биттадан очкога эга. Туркия ва Хорватия футболчилари ҳам дастлабки учрашувни (0:1) ўтказишди. Кеча жамоалар дам олдилар. Бугун эса Швейцария-Голландия, Болгария-Руминия футболчилари майдонга тушадилар.

Футбол

ДАЪВОГАРЛАР КЎРИНИБ ҚОЛДИ

Олий лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг 10-тур ўйинларини ўтказишди.

«Нефтчи» — «Янгиер» — 3:1, МҲСК — «Трактор» — 2:1, «Машъал» — «Динамо»(С) — 0:1, «Нурафшон» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Динамо»(У) — АСК — 0:1, «Навбаҳор» — «Пахтакор» — 1:0. Бу учрашувлардан кейин чемпионликка даъвогар бўлган жамоалар кўзга ташланиб қолди. Жумладан, «Навбаҳор — 26, МҲСК — 25, «Нурафшон» ва «Нефтчи» — 22 тадан очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлаб олишди.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва шаҳарча «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ёш авлоднинг илм ва фанга итилишларини қувватлаш, келгусида билимдон ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш мақсадида ўқувчиларнинг аъло ўқиши ва намунали хулқи, иқтидори ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун махсус стипендия ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мақсадли омонатлар қўйиш ҳақида қўшма қарор қабул қилди. Яқинда шаҳарча ҳудудида 29, 243,249, 261-мактаблар ҳар бирининг 10 нафардан аълочи ўқувчиларига 1200 сўмдан омонат дафтарчаларига қўйилган степендия ҳамда 10 тадан бошланғич синф ўқувчиларига 1000 сўмдан юқори фоизли мақсадли омонат дафтарчалари тантанали равишда топширилди.

Шаҳарча ҳудудидаги 8 та боғчадаги кам таъминланган оилаларнинг 80 та фарзандларига юқори фоизли мақсадли омонат дафтарчалари топширилди.

Улуғбек ҲАЙИТОВ.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Ж. ИСКАНДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 30414 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ

«Сувжи-ҳозгаз» қўшма корхонасининг Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги филиали ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.



СУРАТДА: украиналик теннисчи Елена Татаркова.
Муҳаммад АМИН олган сурат.

ИРОДАНГГА БАЛЛИ ҚИЗЧА

Тошкентдаги «Динамо» теннис ўйингоҳида аёллар ўртасида «Челленжер» туркумига кирувчи халқаро мусобақа қизғин давом этмоқда.

Маълумки, бундай нуфузли мусобақани юртимизда ўтказилишида теннисчи қизларимиз маҳоратини ошириш, профессионаллар сафига қўшиш каби эзгу ният бор. Ҳозирча мусобақада иштирок этаётган қизларимиз саноқли. Хусусан, Ирода Тўлаганова, Лиля Биктякова ҳамда Оксана Яриковалар иштироқ этмоқда. Халқаро мусобақада эса қарийб йигирма мамлакатдан келган теннисчилар маҳорат кўрсатмоқда.

Теннисчиларимизнинг чиқишлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди, деб дадил айтиш мумкин. Айниқса, эндигина 14 баҳорни кўрган Ирода Тўлагановнинг ўйинлари кўпчиликни ўзига хос саросимага солди. У голландиялик Снейдерс билан учрашувда мухлислар ва томошабинлар эътиборини қозонди.

Ирода 1-сет учрашувида 7:6 ҳисобида ғалаба қозониб, рақибини чўчитди. Лекин теннисчимиз кейинги икки сет ўйинида 4:6, 1:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Зеро, Иродани профессионал теннисчи билан баҳсда муросасиз курашга чоғлангани кўпчиликда умидворлик уйғотди. Дарвоқе, Ирода Тошкентда ўтказилган халқаро ўсмирлар турнирининг финалчиси бўлган. Исроил ва Германияда халқаро мусобақаларда қатнашган. Федерация кубоги учун Таиландда ўтказилган Осиё-Океания минтақаси иккинчи гуруҳида қатнашиб, ўзини кўрсатган. Борис Бресковар ва Рамз Аҳмедовларнинг шогирди.

Теннис

Иродани ҳамшаҳри Лиля Биктякова ҳам имкониятлардан фойдаланишга интилди. У Анна Менкова (Россия) билан учрашувда 4:6, 1:6 ҳисобида ютқазди. Ҳарқалай бу учрашувлар теннисчи қизларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб қолиши табиий. Профессионалликка илк қадам ташлаётган қизларимиз АТП рейтинги бўйича ўз ҳисобларига биттадан очко ёзиб, 200 доллардан мукофот оладиган бўлишди.

Халқаро мусобақада эса Кристин Фрей (Германия), Робин Маудлей (Австрия), Екатерина Тихонкина (Россия), Патрисия Воуртуш (Австралия) каби теннисчилар ғолибликка асосий даъвогарлардан бўлиб туришибди. Қизғин ва муросасиз баҳслар эса олдинда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига "Рағбат" ва "Омад" номли янги омонат турларини таклиф қилади.

"Рағбат" номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.

Ютуқли омонат *"Омад"*га пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!

Бу омонат тури *"талаб қилиб олгунча"* омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришни маълум қилади.

Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналари уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялайдилар, деб ишонч билдиради.

ҚЎШИҚ — ЗАМИН МУВОЗАНАТИ

Дил изҳори

Шўрчиликлар бағри кенг одамлар. Бировга бахиллик қилганни ёмон кўрадиган, ҳазил-мутойибага ўч, қўшнисининг эчкиси эгиз туғса, шундан-да қувонадиган, қувончини овоза қилишни хушлайдиганлар хилидан.

Яқинда денг Қарши Муҳаммадиев деган камтаргина бир одам Ўзбекистон халқ ўқитувчиси деган унвонга сазовор бўлди. Шўрчиликларнинг бу воқеадан бошлари осмонга етди-ку. Ёшу қари не тараддудингиз бор, деб сўраб ўтирмасдан Қарши аканинг ҳовлисида қозон осишди. Муборакбодлик маросими тўйу тантанага айланди. Сурхондарёнинг бўлбули Нурмамат Ҳайитовнинг тўйда қўшиқ айтгани ҳаммасидан аъло бўлди.

Бирники — мингга, мингники—туманга, дейдилар. Қумқўрғоннинг Боймоқли деган қишлоғидан Янгибой деган одам шеър ёзибди. Уни ўқиб ҳаммани оғзига қаратди. Бир вақт денг қишлоқнинг қарияларидан тортиб, анча-мунча мугомбирликни дўндирадиган магазинчилари шеър айтишни, ҳатто, ёзишни машқ қилишга уннадилар. Шу қишлоқдан бирданига саккиз нафар шоир етишиб чиқди. Ва бу ҳолатни боймоқлилик шоир Эшқобил Шукур «шоир туғар Боймоқлининг келинлари» деб таъриф-лади.

Нурмамат Ҳайитов ҳам ўз юртдошларини қўшиқ айтишга ўргата олган санъаткор. Айниқса, «Баҳор» қизлари учун айтган «Мустаҳзод» телевизорда намойиш қилингандан сўнг номи тилдан тушмай қолди. Бирданига изидан мингта шогирд эргашди. Ҳар қайсиси олдинига қўшиқни ўзича айтди. Кейин тўгаракларга уюшиб айтишди. Қўшиққа овози тушмаганлар барибир йўлидан қайтмади — созанда бўлди, рақсни ўрганди ва ҳатто ҳазил-ҳазил билан Шўрчида дорбозлар етишиб чиқди. Билиб қўймоғингиз учун айтмоғимиз керакки, Шўрчи миллий дорбозлар гуруҳига шу йил январь ойида «Халқ дорбозлари» унвони берилди.

Энди тумандаги ашула ва рақс дасталарини сўрасангиз, улар — йигирмата (Мактаблардаги тўгараклардан бу рақам истисно). «Кумуш тола» халқ дастаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг вилоятдаги ғолиби бўлди. Тўрт йилдирки, шўрчилик санъаткорлар Тошкентда ўтадиган анъанавий «Наврўз» сайли саҳналарини обод қиладилар. «Жон болажон» оилавий ашула ва рақс дастасини олинг. Унинг энг ёш иштирокчиси Гулруҳ (ҳозир беш ёшдаёв) бундан икки йил аввал Шаҳрисабзда ўтказилган танловда биринчи мукофотни қўлга киритди. Дуторчи қизлару доирачилар дасталарининг маҳоратини кўрсангиз-ку, беихтиёр санъат бу ёқда экан-да, дейсиз.

Нурмаматнинг қўшиқни микрофонсиз айтганини кўп кузатганман. У куйлаганда борлиқ жимиб қолгандай бўлади. Одамлар унга жўр бўлиб, қўшиқ айтаётгандай кўринади. Қўшиқ дил изҳори бўлиб вафодорлигу одамийликка қасамёд бўлиб янграй бошлайди. Ана шунда билинади қўшиқни жўр бўлиб айтганда «кўпчилик» деган гапнингу «халқ» деган кучнинг қудратию салоҳияти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЧЖ «МИКРИ» фирмасининг думалоқ муҳри ва тўрт бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Саид СВП» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**